# Қиёмат куни банданинг икки қадами токи ундан тўрт нарса ҳақида сўралмагунига қадар ўрнидан жилмайди: умрини нимага сарф қилгани, илми билан нимага амал қилгани, молини қаердан топиб, қаерга сарфлагани ва танасини нимада заифлатгани», – дедилар

Абу Барза Асламий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қиёмат куни банданинг икки қадами токи ундан тўрт нарса ҳақида сўралмагунига қадар ўрнидан жилмайди: умрини нимага сарф қилгани, илми билан нимага амал қилгани, молини қаердан топиб, қаерга сарфлагани ва танасини нимада заифлатгани», – дедилар.

[Саҳиҳ] [Тирмизий ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳеч ким Қиёмат куни ҳисоб-китоб ўрнидан жаннат ёки дўзахга қуйидаги ишлар ҳақида сўралмагунча ўтмаслигини хабар бердилар: Биринчи: Ҳаётини нимага сарфлади ва қандай ўтказди? Иккинчи: Илмини Аллоҳ учун олдими? Унга амал қилдими? Ҳақдорларга етказдими? Учинчи: Мол-дунёсини қаердан топди, ҳалолданми ёки ҳаромданми? Аллоҳни рози қиладиган нарсага сарфладими ёки ғазабланадиган нарсагами? Тўртинчи: Жисми, қуввати, офияти, йигитлигини нимага ишлатди?

http://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/4950